# ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИМИ, БАЖАРИЛСИН

«Ленинизм» колхозининг коммунистлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёрланган ҳолда келдилар. Партком секретари Марям Аҳмедованинг йиғилиш арафасида ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Чунки, у бу йил биринчи марта ҳисоб бераяпти.

Ҳисобот даврида колхоз меҳнат аҳли дуруст ютуқларни қўлга киритди. Асосий соҳа — пахтачиликда ҳосилдорлик 1981 йилда 39,1, 1982 йилда эса 40 центнерни ташкил этди. Ғалла етиштириш 1980 йилдагидан қарийб бир ярим баравар, сабзавот маҳсулотлари икки баравардан зиёд ўсди. Гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш суръатлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Ленинизмликлар бу йил районда бешинчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажаришга муваффақ бўлдилар. Мавжуд 15 та пахтачилик бригадасининг барчаси хўжалик планини уддалади. Турғун Азаматов, Ўринбой Норматов, Умрзоқ Ҳамроев, Нишон Ҳожибеков, Рашид Холматов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 38—42 центнерни ташкил этди. Колхоз бўйича эса ҳар гектар майдондан 36,3 центнердан ҳосил олинди. Лекин бу кўрсаткич мўлжалдан анча пастдир. Бунинг сабаби нимада? Фақат об-ҳаводами?

Йўқ, албатта. КПСС аъзолари Абдураим Бозорбоев, Абдували Турсунов, Раҳмат Сулаймоновлар бошчилик қилган бригадаларда ҳосилдорлик 31 центнерни ташкил этди, холос. Ғўзанинг вегетация даврида агротехника қоидалари бузилди, айниқса ҳашарот ва зараркунандаларга қарши кураш пухта ташкил этилмади. Натижада айрим карталардаги ғўзалар ҳосилни тўкиб юборди. Коммунист, участка агрономи Абдукарим Мўминов, энтимолог-агроном Ўрол Жонибековлар бу соҳада тадбиркорлик кўрсатмадилар.

Эндиги вазифа етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай териб давлатга топшириш, жами пахта хирмонини 4875 тоннага етказиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажаришдан иборатдир.

Йиғилишда эришилган ютуқлар ҳам, йўл қўйилган камчиликлар ҳам чуқур таҳлил қилинди. Ҳисобот даврида партия комитети асосий эътиборни коммунистлар активлиги ва жанговорлигини оширишга, зиммадаги юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратди. Ҳозир колхоз партия ташкилоти ҳисобида 100 нафар партия аъзоси ва 4 нафар КПСС аъзолигига кандидат бор. Ҳисобот даврида умумий партия йиғилишлари ва партком мажлисларида партия ташкилотининг кўпқиррали фаолиятига оид кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Юқори партия ташкилотлар ҳамда ўзлари қабул қилган қарорларнинг ижроси текшириб борилди.

Йиғилишда бир қатор фойдали мулоҳазалар билдирилди. Партия комитети коммунистларнинг партиявий топшириқларни, КПСС Устави талабларини қандай бажараётганлиги ҳақидаги ҳисобларини тинглаб борган бўлсада, баъзан юз-хотирчиликка йўл қўйди. Маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссиялар актив фаолият кўрсатмади. Партия комитети келгусида бу комиссияларнинг ишини мақсадга мувофиқ равишда йўналтириш тадбирларини белгилаши лозим.

Партия комитетининг жамоат ташкилотларига раҳбарлиги ҳам талаб даражасида эмас. Касаба союз ташкилоти социалистик мусобақа илғорларини рағбатлантиришга, мусобақанинг ошкоралигини таъминлашга жиддий аҳамият бермаяпти. Хотин-қизлар совети актив фаолият кўрсатмаётир. Совет йиғилишлари мунтазам ўтказилмайди, хотин-қизларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги сезилмайди, улар раҳбарлик вазифаларига дадиллик билан кўтарилмаяпти.

## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Партия ташкилоти идеология ишини қишлоқ хўжалик вазифаларини бажаришга қаратиши лозим. Тўғри, КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида «Партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан сўнг ҳар бир коммунистни партия сиёсий ўқувига жалб этишга эришилди. Комсомол сиёсий ўқуви ва иқтисодий таълим системасида ҳам ижодий силжишлар юз берди.

Лекин социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, кўпгина хатолар кўзга ташланиб қолди. Пропаганда ва агитация ишларининг таъсирчанлиги ҳамон сезилмаяпти. Тарбиявий ишлар коллектив ҳаёти билан боғлаб олиб борилмайди. Айрим агитаторлар ўзларига бириктилган дала шийпонларида график асосида суҳбат ўтказмаяптилар. «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти лекция пропагандасини пухта ташкил эта олмаяпти.

Илмий атеизмни пропаганда қилиш, эскилик сарқитларига, ичкиликбозлик, меҳнат интизомини бузувчиларга қарши курашни кучайтириш лозим. Янгича урф-одат маросимларни ҳаётга тадбиқ этиш зарур. М. Аҳмедова ҳисобот докладида ана шулар ҳақида батафсил тўхталди.

Музокарада сўзга чиққан соғувчи Малика Анорбоева ўз фикрлари билан докладни яна ҳам тўлдирди.

— Қарамоғимдаги 18 бош сигирдан ҳозиргача 3600 литрдан сут соғиб олдим, мақсадим 4000 литрданга етказдишдир,— деди у.— Лекин колхоз бўйича ҳозиргача ҳар бир сигирдан 2534 литрдан сут соғиб олингани мени ташвишлантираяпти. Ахир, колхоз бўйича ҳар бош сигирдан ўртача 3350 литрдан соғиб олиш мажбуриятини қабул қилганмиз-ку. Айрим соғувчиларимиз сигирларни доим бир вақтда соғиб олишга эътибор бермаяпти. Баъзан ем-хашак ҳам ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Мажбуриятни бажариш учун қўшимча тадбирлар белгиламасак бўлмайди.

— Докладчи Абдурайим Бозорбоев, Абдували Турсунов, Раҳмат Сулаймонов каби бригада бошлиқларини тўғри танқид қилди,— деди колхоз бош агрономи Раҳмонқул Усмонқулов.— Бу йил колхоз бўйича ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш мажбуриятини олиб меҳнат қилаяпмиз. Бу бригадаларда ҳосилдорлик паст бўлишига қарамай, кунлик суръатда ҳам улар ортда қолмоқдалар.

Музокарада сўзга чиққан маккажўхоричилик бригадасининг бошлиғи Саидқул Хаитов, халқ контроли группасининг раиси Бекқул Султонов, кекса коммунист Йўлчи Холмуҳамедов, 6-бригада бошлиғи Абдували Маматов, 4-бригада бошлиғи Гулсара Ўлмасова ҳам XI беш йилликнинг учинчи йили ҳосилини тезроқ йиғиб олиш, кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида амалга оширишдаги, вазифалар ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда колхоз партия комитетининг янги составн, Бўка район партия конференциясига делегатлар сайланди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг секретари М. Қодиров нутқ сўзлади.

**О. ҚУЛНАЗАРОВ,**
**Бўка район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.**

● ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган кенг истеъмол буюмларининг шуҳрати ортиб бормоқда. Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 35 хили давлат Сифат белгиси билан истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Йил охиригача бундай маҳсулотлар янада ортади. Ана шу кўрсаткичга эришиш мақсадида корхонанинг сифат жонкуярлари янада зўр шижоат билан меҳнат қилишяпти. Суратда: Гулнора Зияева фахрий беш қирра тамғаси босилган маҳсулотлар тайёрланаётган поток ёнида. Бу ишчи айни пайтда графикдан бир ой илгарилаб меҳнат қилмоқда.

В. Сироткин фотоси.



## БАЙРОҚДОР ОТРЯД

**Тошкент шаҳар комсомол комитетининг бюро мажлисида пахта йиғим-теримида иштирок этаётган зарбдор комсомол-ёшлар отрядлари ўртасидаги социалистик мусобақа якунлари кўриб чиқилди. Маълумки, шаҳардаги 10 та район комсомол комитетлари пахта йиғим-терим кампанияси қизғин бошланган дамларда илғор йигит-қизлардан иборат зарбдор отрядлар ташкил этган эди. Ҳозирги кунда 206 та шундай отряд пахтазорларда зўр жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Улар сафида 12800 йигит-қиз бор.**

**Шаҳар комсомол комитети зарбдор отрядлар мусобақасига мунтазам якун ясаб боряпти. Навбатдаги давр якунларига кўра Фрунзе райони комсомол-ёшлар отряди ғолиб деб топилди ва уларга шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини топширишга қарор қилинди.**

**Фрунзе райони бўйича тузилган 16 та зарбдор отряд мавсум бошидан бери 995 тоннадан ортиқ «оқ олтин»ни териб берди. Кейинги уч беш кунлик давомида ёшлар эл хирмонига 15 тонна ҳосил тўкдилар.**

**Мусобақада Октябрь ва Ленин районлари зарбдор комсомол-ёшлар отрядлари иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар. Уларга шаҳар комсомол комитетининг кўчма вимпели топширилади.**

**Бюро мажлисида Куйбишев, Собир Раҳимов, Сергели районлари йигит-қизлари пахта йиғим-теримида суст иштирок этаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Бу районлар комсомол комитетларига ҳар бир теримчи унумдорлигини ошириш, пахта далаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўриш топширилди.**

# ОНА ИЗИДАН

ЧИННИХОН аянинг йиллар ўзининг чуқур изларини қолдирган чеҳраси ёришиб, гўё яшариб кетгандек туюлди. Нигоҳи ўткирлашди. Қаддини ростлади.

У ёшлигини ёдга олмоқда эди.

...Инқилоб шуури билан уйғонаётган Қўқон. Янги ҳаёт куртаклари барг ёза бошлаган. Қишлоқларда ер-сув ислоҳотини ўтказишга киришилмоқда. «Қўшчи» союзлари тузиляпти. Шаҳарда дастлабки артеллар ташкил этилиб, ҳали паранжи-чачвонли хотин-қизлар қизил аскарларга кийим-бош тикишга жалб қилина бошланган.

Чиннихон баъзи пайтлари Қўқон шаҳар партия қўмитасида хотин-қизлар бўлимининг мудири вазифасини бажараётган онаси Тўрахон аяни ярим кечагача хавфсираб кутарди. Унинг қулоғига «босмачилар» сўзи тез-тез чалиниб турарди. Аммо Тўрахон ая ёстиққа бош қўйган қизининг ҳали кўз юммаганлигини сезса қандайдир бир ички эҳтирос билан Москвада бўлгани, буюк Ленин билан учрашгани ҳақида сўзлаб берарди. Бу ҳикояларни Чиннихон кўп марта эшитган бўлса-да, уни яна ва яна тинглагиси, яна қандайдир янги гапларни эшитгиси келарди.

Тўрахон ая қизига шаҳар партия қўмитаси олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам гапириб қоларди. Баъзида эса «Дурустроқ ишлай олмаяпмиз. Ҳали маҳаллалардаги кўпгина ёш қизларни артелларда ишлашга, саводсизликни тугатиш мактабларига яхшироқ жалб қилолмаяпмиз» деб хафа бўларди. Бу гап яқиндагина комсомол сафига қабул қилинган Чиннихонни ўйлантириб қўйди. «Шаҳарда комсомолларимиз сони кўпайиб боряпти,— кўнглидан ўтказарди у.— Маҳалламизда комсомол қизлар ячейкасини тузсак қандай бўларкин?»

Бир гал у Фарғона округ комсомол қўмитасига борганда ўз фикрини ўртага ташлади. Кўпчилик Чиннихоннинг фикрини қўллаб-қувватлади. Кўп ўтмай эса Қўқонда ташкил этилган биринчи комсомол қизлар ячейкаси котиблигига Чиннихон Иброҳимова сайланди.

Дугоналари ўртасида ташвиқот юргизишга киришган Чиннихон онасига қандай қийинчиликларни бошидан кечиришга тўғри келаётганлигини тўла ҳис этди. Асрлар бўйи куёшга ҳам қора чачвон тўрлари орқали қарашга мажбур бўлган хотин-қизларни «ичкари»дан олиб чиқиш осон эмасди. Ячейка котибига душманларнинг дўқ-пўписаларини эшитишга ҳам, неча бор ҳаётини хавф остига қўйишга ҳам тўғри келди.

Аста-секин қўқонлик қизлар онасидек довюрак Чиннихоннинг ташвиқотлари таъсири остида артелларда ишлаш истагини билдира бошладилар.

Қардош халқларнинг ягона оиласи — ССР Иттифоқига қўшилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси маҳаллий кадрларга муҳтож эди. Шунинг учун 1924 йилда Фарғона округ комсомол қўмитаси бир гуруҳ ўзбек ёшлари қатори Чиннихон Иброҳимовани ҳам Москвага ўқишга юборди.

— Бу давр бир умр ёдимда қолган,— ҳикоя қилади Чиннихон ая.— Биз ўқиш билан бирга жамоат ишларига ҳам шўнғиб кетдик. 1925 йилда Краснопресня район комсомол конференциясида иштирок этдим. Мени район комсомол комитетининг аъзоси қилиб сайлашди. Умуман бизни янги ҳаёт йўлига бошлаган, ўқитган ва тарбиялаган улуғ рус халқидан чексиз миннатдорман.

Ўқишдан қайтган Чиннихонни Қўқон шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайлашди. Яна бир йилдан сўнг эса у Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири вазифасига кўтарилди.

Ая ҳаёти лавҳаларини ҳикоя қилар экан, кўз ўнгимизда республикамиз тарихи босқичлари гавдаланарди.

1927 йил. Хотин-қизларни озодликка чиқариш учун бошланган «Ҳужум» кампанияси.

1929 йил. Ялпи коллективлаштиришга киришилган давр.

— Марказий Комитетдан мени коллективлаштириш бўйича Нурота районига вакил қилиб юборишди,— ҳикоясини давом эттиради ая.— У пайтда ҳозиргидек транспорт қани. Нуротага етиб бориш учун аввал Бухорога келиш, сўнг Наманганга йўл олиш керак эди. У ердан отда ёки аравада Нуротага йўлга чиқардик.

Яқинда бир ош дамлангунча вақт ичида Нуротага борганимда ўша даврда район партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган, 1920 йилдан КПСС аъзоси Раимжон ака Бурхонов билан шуларни эслаб кетдик. Йўл азобини қўяверинг. Бу чекка жойда деҳқонларни коллектив хўжаликларга жалб қилишнинг ўзи бўлмасди. Ички душманларимиз Совет ҳокимияти тўғрисида жиркании бўҳтонлар тарқатар, деҳқон ва камбағалларни қўрқитишар, қотиллик ва қўпорувчилик қилишдан тойишмасди. Бироқ, диёримизда қуёшдек балқиган озодлик, ҳурлик, янги ҳаёт йўлини тўсиб бўлмасди. Ҳамма жойда колхозлар тузилди, Совет ҳокимияти мустаҳкамланиб бораверди.

Чиннихон Иброҳимова кейинчалик қизил профессорлар ўқув юртини тугаллади, Андижон шаҳар партия комитетида масъул вазифаларда ишлади.

*Партия ветеранлари ҳақида ҳикоялар*

Улуғ Ватан уруши бошлангач турмуш ўртоғи, журналист Раҳим Ғофуров фронтга кетди. 1943 йилда у жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ая қўлида ёш фарзанди билан қолган бўлса-да тиниб-тинчимасди. Бу пайтда у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими эди. Кунларнинг бирида Иброҳимовани Марказком секретари ҳузурига чақиришди.

— Тошкентга мамлакатимизнинг Европа қисмидан заводлар эвакуация қилиняпти,— дейишди у ерда.— Улар учун жой тайёрлаш, ишчи ва мутахассисларни кутиб олиш, заводларни тез кунларда ишга тушириб юбориш керак. Шунинг учун шаҳарда Марказий район партия комитети ташкил этишга қарор қилинди. Сизни шу райком секретари қилиб тайинлаш таклифи бор. Бунга ўзингиз қандай қарайсиз?

Чиннихон партия топшириғини муқаддас деб биларди. У эртаси куниёқ ишга киришиб кетди. Куни билан темир йўл станциялари, вокзалда, янги заводлар қурилаётган жойларда бўлар, тунда эса янги райком ходимлари билан қанчадан-қанча муҳим, шошилинч ҳал этилишни талаб қиладиган вазифаларни муҳокама қиларди. Кўп ўтмай эвакуация қилинган корхоналар фронт учун қурол-яроғ, ўқ-дори ишлаб чиқара бошлади. Бунда райком, унинг секретари Иброҳимова олиб борган ташкилотчилик ишлари катта роль ўйнади.

Урушдан кейин узоқ йиллар мобайнида Чиннихон ая Ўзбекистон ССР Министрлар Советида масъул вазифаларда ишлади. Ҳозир эса пенсияда.

Аммо ая қариликни тан олмайдиганлардан. У Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия ветеранлари советининг раисидир. Бу советга 50 йил ва ундан кўпроқ вақтдан бери КПСС сафида бўлган партия ветеранларидан 1200 киши аъзо. Улар орасида республикамизда машҳур кишилар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ориф Афзалов, 1919 йилдан бери КПСС аъзоси Насриддин Хўжаев, Йўлдош Бобожонов, Фотима Ниёзова, Бўрихон Ризаева ва бошқалар бор.

Совет аъзолари меҳнат коллективлари, ёшлар ўртасида бўлиб шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари, коммунистик қурилиш вазифалари ҳақида суҳбатлар ўтказадилар.

— Ёшлар билан учрашишни айниқса ёқтираман,— дейди Чиннихон ая.— Уларнинг қаҳрамонона ишлари билан танишар эканман, кекса авлод эстафетаси ишончли қўлларда эканлигидан қувонаман.

Аянинг ўзи худди шундай қилмоқда. У ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, республикамиз область ва шаҳарларига йўл олади, ёшлар ўртасида суҳбатлар ўтказади. Чиннихон аянинг фидойилиги, куйди-пишдилигидан завқланар экансан, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашув пайтида айтган сўзлари беихтиёр ёдга тушади: партия ветеранлари, меҳнат ветеранлари корпуси яхши формада, иш формасида.

Чиннихон ая ана шундай ветеранлардан биридир.

**Э. ЭРНАЗАРОВ.**

*Ишчи номи — шарафли ном*

# БИР КАСБДА 40 ЙИЛ

ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида донгдор моделчи-слесарь Муса Абкеримов номини каттадан-кичик ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Тажрибали машинасоз қирқ йилдан ортиқ вақтдан бери шу даргоҳда ишлаб келмоқда. У ўз ҳунарига меҳр қўйган, унинг шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Шунинг учун ҳам корхонанинг пўлат эритиш цехида унинг касбини ўрганган кўплаб шогирдлари ўзи билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишаяпти. Улар устозлари каби унумли ва сифатли ишлашда касбдошларига намуна бўлмоқдалар.

Муса Абкеримов бундан йигирма йил муқаддам коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлган эди. У шундан бери бу номни оқлаб келмоқда. Ҳар йили топшириқни бир ярим баравар ва ундан ҳам ошириб адо этаяпти. Ишининг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлаяпти. Қўлидан чиққан маҳсулот бир кўрсатишдаёқ техника назорати бўлими томонидан қабул қилинмоқда.

Моделчи рационализаторлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашмоқда. У қатор таклифларнинг автори ҳисобланади. Бу таклифлар асосан қуйилмалар вазнини енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, материалларни тежаб қолиш ва иш шароитини яхшилашга қаратилгандир. Унинг кўп йиллик меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Кўксини «Ҳурмат Белгиси» ордени яшнатиб турипти.

Кекса машинасоз шу кунларда ҳам фидокорона меҳнат қилмоқда. У ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этиб, зиммасига олган шахсий мажбуриятларни шараф билан уддаламоқда. Унинг ҳар сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 150—160 процентни ташкил этмоқда.

**А. МИРЗААҲМЕДОВ.**



**● ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ҳаракатига қўшилган ишчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Корхонанинг 11-цехида меҳнат қилаётган сим ўровчи Маҳбуба Қўрғонбоева ана шундайлардан биридир. Илғор ишчи айни пайтда смена топшириқларини 115—120 процентга етказиб адо этяпти. Суратда: М. Қўрғонбоева.**

В. Портнов фотоси.

# ДЕПУТАТ ДАЛАДА ҲИСОБ БЕРДИ

ҚУМРИ Дўсбоева Киров номли ўқув-тажриба хўжалигининг А. Умрзоқов бошлиқ бригадаси аъзоси. У меҳнатда ва жамоат ишларида доимо намуна, область Советига депутат қилиб сайланган.

Депутат аёл бу йил ҳам бригаданинг меҳнат ютуқларига салмоқли ҳисса қўшиб келаяпти. Бундан ташқари, халқ вакили сифатида хўжалик биринчи бўлимида пахта йиғим-теримининг суръати ва сифатини назорат қилишда ҳам ташаббускорлик кўрсатаяпти.

Бригада пахтакорлари бу йил 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,3 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Бунга теримчилар ўртасида социалистик мусобақа ташкилотчиси Қумри Дўсбоева ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. У ҳар куни 40—60 килограммдан пахта териб ҳозиргача шахсий хирмонини етти тоннага яқинлаштириб қўйди. Бригаданинг депутатдан ўрнак олган М. Бўрибоева ва М. Файзуллаева сингари чеварлари ҳам бу кўрсаткичга яқинлашиб қолдилар.

Яқинда депутат дала бошида сайловчилар билан учрашди. Уларга бригадада ташкил этилган социалистик мусобақа, ўз шахсий мажбурияти ва аҳоли наказларини бажариш юзасидан амалга ошираётган ишлари тўғрисида гапириб берди.

**З. ИСРОИЛОВ,**
**Ғалаба райони.**

## КОРХОНА РАҲБАРИ МИНБАРИ

# КОЛЛЕКТИВ, МУСОБАҚА, САМАРА

Республикамизда, шу жумладан пойтахт областимизда экономиканинг ёқилғи-энергетика тармоғини юксалтириш юзасидан катта режалар белгиланган. Бизнинг коллективимиз ҳам ана шуларни амалга оширишга ҳисса қўшиши керак. Чунки биз кўмир қазиб чиқарамиз. Ундан халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам ёқилғи қазишни кўпайтириш йўлидаги ишимизни янада кучайтришимиз, мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланишимиз, умуман ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга олиб келадиган омилларни ишга солишимиз талаб этилади.

Шахтёрлар коллективимиз зиммасидаги ана шу вазифанинг масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда сидқидилдан ишламоқда. Бунда биз ютуқлар негизи ҳисобланган социалистик мусобақани кенгайтиришга, унинг янги-янги формаларини жорий қилишга, меҳнат беллашуви ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Участкалар, бригадалар, айрим кончилар ўртасида ўзаро соғлом рақобат йўлга қўйилган.

Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқ, вимпеллар, пул мукофотлари таъсис этганмиз. Пландан ташқари ёқилғи қазиб чиқаришга эришган шахтёрлар маошига қўшимча ҳақ тўлаш ҳам қўлланилмоқда. Мусобақа ғолибларига мукофотлар кўпчилик ишчи-хизматчилар иштирокида ўтадиган тантанали йиғилишларда топширилмоқда. Бу меҳнат беллашувининг таъсирини янада кучайтирмоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилидаги участкалараро социалистик мусобақада 2-участка коллективи пешқадамлик қилмоқда. Участкада меҳнатни пухта ташкил этиш, ишлаб чиқариш интизоми ва технология режимига қатъий амал қилиш, кончилар малакасини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ташаббусларни ёйишга қаратилган чоралар кўрилмоқда. Участкадаги бригадалар ўртасида мусобақа пухта ташкил этилган. Ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш юзасидан кўп иш қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси участка коллективи томонидан давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилишига ёрдам бермоқда.

Пешқадам коллектив шу йилнинг ўн ойини ҳам яхши якунлади. Пландагидан ташқари 7 минг тоннадан ортиқроқ кўмир қазиб чиқарилди. Бу социалистик мажбуриятда назарда тутилганидан салкам 5 минг тонна кўпдир.

Участкадаги барча кон ишчилари бригадалари мажбуриятларини тўла ва ошириб адо этмоқдалар. Айниқса, Анас Арслонович Гареев раҳбарлик қилаётган бригада коллективининг меҳнат ютуқлари мақтовга сазовордир. Шахтада кўп йиллар давомида ишлаб, катта тажриба орттирган А. Гареев, меҳнатда, юриш-туришда, аҳлоқ-одобда касбдошларига намуна бўлмоқда. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳам ўз сардорлари даражасида ишлашга ҳаракат қилмоқда. Кончилар ҳар сменада қўшимча тонна-тонналаб ёқилғи қазиб чиқармоқдалар. Шунинг учун ҳам уларнинг йил бошидан бери пландагидан ташқари қазиб чиқарган ёқилғиси миқдори 2,5 минг тоннадан ҳам ошиб кетди. Участканинг М. Абдузалимов, М. Садетовлар бошчилигидаги бригадалари аъзолари ҳам меҳнатда графикдагидан ўзиб ишламоқдалар. Уларнинг ҳар бири йил бошидан бери қўшимча деярли бир ярим минг тоннадан кўмирни транспортер ленталарига ортдилар.

Илғор бригадалар ҳақида гап кетганда 1-участканинг Талъат Ахманов раҳбарлигидаги кон ишчилари коллективи номини ҳам тилга олиб ўтиш керак. Чунки бу бригада аъзолари ҳам доим пешқадамлар сафида бўлишяпти. Кўмир қазиб чиқариш топшириқларини ошириб адо этмоқдалар. Азаматларнинг ўтган ўн ойдаги иш кўрсаткичлари планда назарда тутилганидан уч процент ортиқ бўлди. Мажбуриятдагига қўшимча қазиб чиқарган ёқилғилари миқдори 1050 тоннадан кўпроқни ташкил этди.

Шахтамизда коллективимиз фахри бўлиб қолган ветеран кончилар билан бирга ёш шахтёрлар қўлни-қўлга бериб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Коллективимизни ўзининг фидокорона иши билан меҳнат ютуқларига даъват этаётган, ёшларнинг мураббийлари ҳисобланган Турғун Ҳасанов, Абдураҳмон Маматов, Бобоназар Йўлдошев, Александр Романюк, Шавкат Акимов, Қурол Қурбонов, Тиллахўжа Қурбоновлар ҳамон коллективнинг суянган тоғи бўлиб келмоқдалар. Улардан ўрнак олган Наримон Солиҳов, Юрий Савченко, Михаил Баснев, Александр Ермаков каби кўплаб ёш кончиларимиз унумли ва сифатли ишламоқдалар.

Шахтёрларимиз марказий йилнинг ўтган ўн ойлик планини бажаришда дуруст натижаларга эришдилар. Кўмир қазиб чиқариш топшириғи белгиланганидан салкам икки процент ортиғи билан адо этилди. Қўшимча 7 минг тоннадан кўпроқ энергетика ёқилғиси қазиб чиқарилди. Шу туфайли ҳам маҳсулот реализация қилиш плани деярли 105 процент қилиб адо этилди. Пландагидан ташқари 177 минг сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

Меҳнатдаги ютуқларимиз чакки бўлмаяпти. Лекин биз ҳеч вақт бу билан хотиржамликка берилмоқчи эмасмиз. Чунки олдимизда ҳали катта вазифалар турипти. Уларни шараф билан уддалаш учун иш суръатини янада жадаллаштиришимиз, сифат кўрсаткичларини тинмай яхшилаб боришимиз керак.

**А. МУСАЖОНОВ,**
**Ангрендаги 9-шахта директори.**

